



THEORETICAL FOUNDATIONS OF COMPETENCES DETERMINING THE QUALITY OF MODERN EDUCATION

Ubaydullaeva Vazira Patchakhanovna

Assistant of Biomedical Engineering, Informatics and Biophysics,
Tashkent medical academy

Abstract. In the world education system, effective mechanisms for the development of teachers' competencies are being introduced into the educational process. In particular, special attention is paid to the introduction of modern approaches aimed at improving the quality of teaching physics, introducing the latest achievements of science, technology, technology and education into the content of educational materials.

Key words: improvisation, professional training, competence, competence, methods and technologies, component, evaluation criteria.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КОМПЕТЕНЦИЙ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИХ КАЧЕСТВО СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Убайдуллаева Вазира Патчахановна

Ассистент кафедры биомедицинской инженерии, информатики и
биофизики Ташкентской медицинской академии

Аннотация/ В мировой системе образования в образовательный процесс внедряются эффективные механизмы развития компетенций педагогов. В частности, особое внимание уделяется внедрению современных подходов, направленных на повышение качества преподавания физики, внедрение в содержание учебных материалов последних достижений науки, техники, технологий и образования.

Ключевые слова: импровизация, профессиональная подготовка, компетентность, компетенция, методы и технологии, компонент, критерии оценки.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ АНИҚЛОВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Убайдуллаева Вазира Патчахановна

Тошкент тиббиёт академияси Биомуҳандислик, информатика ва
биофизика кафедраси асистенти

Аннотация. Жаҳон таълим тизимида ўқитувчиларнинг компетенцияларини ривожлантиришининг самарали механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. Жумладан, таълим сифатини ошириши, эришилган натижаларни амалиётга жорий этиши, фан, техника, технология ва таълимнинг энг сўнгги ютуқларини ўқув материаллари мазмунига сингдириб бориши, физика фанини ўқитиши сифатини оширишига йўналтирилган замонавий ёндашувларни амалиётга жорий қилишига алоҳида эътибор берилган.

Калит сўзлар: импровизация, касбий тайёргарлик, компетенция, компетентлик, усул ва технологииялар, компонент, баҳолаши мезонлари.

Кириш. Жаҳон интеграллашуви жараёнида таълим соҳасининг ривожланишида компетенциявий ёндашув, ҳар бир соҳада, жумладан тиббиёт йўналишлари соҳасида компетентли мутахасислар зарур бўлиб, хорижда бу борада кўплаб тажрибалар тўпланган. Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари (ОТМ)да компетенциявий ёндашувни касбий таълим, фан стандартлари мазмунига киритиш тамойиллари, уларнинг педагогик тизим

бўғинларидаги ўзгаришларга таъсири, психологик ва методологик асослари, мустақил равишда таълим натижаларига эришиш концепцияси, компетенциявий ёндашув талқини, фан жумладан, физика ўқитувчиларини ривожлантиришга йўналтирилган турли даражадаги компетенцияларга оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Олий таълим тизимини ривожлантириш, замонавий илмий тафаккур ютукларига, илфор тажрибаларга таянган ҳолда, барча таълим муассасаларида жумладан, тиббиёт йўналишидаги ОТМларида таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш таъминланмоқда. Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга хориж давлатларининг илфор технологияларини татбиқ этиш, улар асосида замонавий ўқитувчини тайёрлаш долзарб хисобланади. Бундай ўқитувчи келажакда талабаларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшади. Тайёрланаётган кадрларнинг бу сифатларини ривожлантириш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсина ўз муаммоларига ечим топа олади, жамиятда ўз мавқеига эга бўлади.

Ҳар томонлама етук тиббиёт ходимларини тайёрлаш ўқитувчининг савиясига, касбий тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиштарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Шундай экан, ўқитувчи ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик-психологик ва методий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли тиббий вазифаларни тезда ечиши, вазиятларни тўғри баҳолай олиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи меҳнатининг самарадорлиги бугунги кунда талабаларни мустақил ижодий фаолиятга тайёрлаганлиги билан баҳоланиши керак.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимида чет тиллар бўйича Давлат дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда янги типдаги давлат таълим стандартларига «компетенция» сўзи киритила бошланди [1]. Компетенция кенг қамровли тушунча бўлиб, у инглизча «competence», яъни «маҳорат», «қобилият» муайян бир соҳада билимли, тажрибали деган маъноларни ҳам англатади [2]. Д.С. Ермаков [3] фикрича, компетенция – шахсни муайян бир маҳорат ва қобилият даржасига ёки тажрибасига эгалиги. Уни шахс ҳаёт фаолиятининг турли жабхалари, жумладан таълим учун ҳам ишлатиш мумкин. Мазкур тушунча таълимга илк бор, ЮНЕСКО ташкилоти қошида тузилган Э.Фор бошчилигидаги комиссиянинг «ўқимок» деган маърузаси орқали кириб келган. С.Т.Турғунов [4] фикрича, ҳалқаро педагогик амалиётда ўқитувчиларда компетенцияларни ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштириш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан илмий асослаш муҳим хисобланади. М.Майбуров [5] таъкидлашича, компетенцияли ёндашувга асосланган таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у кишини ҳаётга, жумладан меҳнатга (касбга) тайёрлашни асосий мақсад қилиб олган тизимлашган, тегишли билим, қўникма ва малакаларни бериш орқали уни муайян маҳорат, қобилият даржасига етказиш воситасидир. В.И.Коломин [6], компетенция - маълумот, вакт, ресурслар этишмаслиги, сабаб-натижа муносабатларини билиш, бўлмаган ишларда импровизация зарурати билан боғлиқ бўлган турли мураккабликдаги муаммоли шароитларда касбий вазифаларни самарали ҳал қилишни таъминлайдиган



касбий тайёргарликнинг шундай даражаси ва тури - стандарт вазиятлар деб тушунтиради. Академик А.В.Хоторский [7] фикрича, «компетенция» – аниқ бир соҳада ўқитувчининг самарали продуктив фаолияти учун зарур бўлган таълимий тайёргарлигига олдиндан қўйиладиган ижтимоий талабдир. Турли компетенцияларни таҳлил қилиш уларнинг креатив (ижодий) йўналганинги кўрсатади. Аслида креатив компетенцияларга қўйидагиларни келтириш мумкин: «тажрибадан фойдани келтириб чиқа олиш», «муаммоларни еча олиш», «ўтмиш ва ҳозирги ҳодисаларнинг ўзаро боғликларини очиб бериш», «янги ечимларни топа олиш». Таълим тизимини бошқариш, уни ташкил этиш тамойиллари, самарадорлигини ошириш йўллари, фаол усул ва технологиялари, педагогик лойихалашнинг назарий-методологик асослари, ўқув дарсини лойихалаш, педагогик технология тамойиллари асосида дарсларини ташкил этиш масалалари Б.Хайдаров, А.К.Жалолов, В.П.Беспалько Н.Н.Азизхўжаева, Н.С.Саидахмедов, Л.В.Голиш, М.Тожиев А.Мавлянов [8]лар томонидан хам ўрганилган. Компетенциявий ёндашув, унинг таълим жараёнидаги ўрни ва роли, уни амалга оширишдаги муаммолар, компетенциявий ёндашув назарияси ва технологиялари, физика ўқитувчисини касбий тайёrlашда компетенциявий ёндашув масалалари О.В.Лебедев, А.Г.Бермус, А.Л.Андреев, Р.Р.Хадиуллин, В.И.Коломин, И.А.Зимняя, Д.А.Иванов, Ю.Асадов илмий тадқиқот ишларида ўрганилган. Физика ўқитувчилари фаолиятини ташкил этиш; физика фанини ўқитишида ахборот технологиялари ва интернет тизимидан, илфор педагогик технологиялардан фойдаланиш; физикадан лаборатория ишлари ва масалалар ечишни ташкил этиш, физика фани ўқитувчисини тайёrlашда инновацион таълим технологияларининг роли каби масалалар Б.Н.Нуриллаев [9], А.Абдуллаевлар томонидан ўрганилган.

Таҳлиллардан кўринадики, республика миқёсида тиббиёт йўналишидаги ОТМларида физика ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришга оид тадқиқотлар жуда кам. Мавзу доирасида адабиётларни таҳлил қилишга йўналтирилган ишлар натижасида бу борадаги самарадорликни ошириш ҳамда юқоридаги муаммоларни бартараф этиш йўлида муайян харакатларни амалга ошириш натижасида, унинг самарадорлиги маълум даражада таъминлаш мумкин. Бунинг учун мазкур жараённи ривожлантириш Метод ва технологияларини илфор хориж тажрибаларига таянган ҳолда амалга ошириш ҳамда унинг имкониятларини аниқлаш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этилиши бугунги кунда долзарбdir. Компетенциявий ёндашув асосидаги ўқитиши мазмуни, тиббиёт йўналишидаги ОТМларида педагогик-психологик, ташкилий шарт-шароитлар ва физика ўқитувчиси компетентлигини ривожлантиришга мантиқий фикрлашнинг асос бўлиши, шу билан бирга ўқув жараёнida уларнинг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантириш масалалари алоҳида тадқиқот обьекти сифатида қаралмаганлиги аниқланди. Шу билан бир қаторда, бизнинг фикримизча, илмий педагогик адабиётларда тиббиёт йўналишидаги ОТМлари физика ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришдаги имкониятлари етарли даражада акс эттирилмаган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, физика ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришнинг аҳамиятини ошириш, талабаларни ўқитишининг янги технологияларини излаш, физика ўқитувчиларининг сифат жиҳатидан ўсишига бўлган эҳтиёж, уларнинг мазкур компетенцияларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини билдиради

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Компетентли ўқитувчи қандай бўлиши кераклигини физика фани ўқитувчилари мисолида кўриб чиқайлик. Бунда уларнинг педагогик маҳоратини тўртта даражага ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Биринчи ва иккинчи даражада - физика ўқитувчиси томонидан дарс (маъзуза, семинар, лаборатория ва мустақил иш)лари элементларини режалаштириш ва таҳлил қилиш кўнижасини қайд этади. М.Н. Карпов [10] фикрича, ўз навбатида, амалий масалаларни ҳал қилишда: тажриба ёки лаборатория ишларини ташкил қилишда амалий муаммолар очилади. Бинобарин, ўқитувчининг касбий компетенцияси назарий ва амалий характердаги ишларни бажариш билан узвий боғлиқдир.

- Учинчи даражада – физика ўқитувчисининг ўз режасини қанчалик маҳорат билан амалга оширишини билдиради.

- Тўртинчи даражада - назария ва амалиётни тўла эгаллаган, физика фанидан дарс жараёнида гурухда рўй берган ўзгаришга эътибор қаратилади, дарснинг турли компонентларини вазиятга қараб ўзгартирадиган физика ўқитувчисидир. Физика фани дарслари таҳлилида ишлатиладиган стандарт параметрларига эътиборни қаратиш муҳим хисобланади: дарс мақсади, ўкув материали, шакли, методи, структураси, босқичлар орасидаги боғланиш.

Физика фани ўкув мазмунидан келиб чиқсан ҳолда талабаларнинг ўкув-билиш компетенцияларини шакллантиришда физика ўқитувчиси ўкув мақсадларини аниклаштириши лозим, унга эришиш учун талабалар фаолияти қатъий белгиланган кетма-кетлик бўйича, мавзуни ўзлаштиришига қаратилади. Дарсларни бундай ташкил этиш, ўқитиш тизимининг асосий томонларини (мақсадни аниқлаш, ўқитиш самарадорлигини текшириш, синовдан ўтказиш ва оммалаштиришгача бўлган жараён) ўз ичига олади [11]. Ўкув мақсадларини белгилашда Б.Блум таксономияси ёрдамида ўқитувчи ўкув мақсадларини аниклаштиришга эришади. Мақсадни аниқлаш, физика ўқитувчисини методик тайёргарлигини ривожлантиришни лойихалашдан тортиб, самарадорлигини текшириш ишларини ўз ичига олади [12]. Б.Блумнинг когнитив таксономик тоифаларига билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш киради Улар асосида ўқитувчи ўкув мақсадларини қўйидагича аниклаштириш мумкин (1.4-жадвал).

1.4-жадвал. Ўкув мақсадлари

Ўқитувчи билиши керак.	Физика фани мавзусига оид асосий тушунча, қонун-қоидаларни.
Тушуниши керак.	Физика фани мавзуларидаги график, формула ва тенгламаларни.
Татбиқ эта олиши керак.	Олинган маълумотларнинг қаерда қўлланилишини.
Таҳлил кила олиши керак.	Физика фани мавзуларининг ўзаро фарқ ва боғланишни аниқлашни.
Синтез кила олиши керак.	Физика фани мавзуларининг муҳим жиҳатларини белгилашни.
Баҳолай олиши керак.	Олинган натижаларнинг нима учун кераклиги ва қаерда ишлатилишини.

Ўқитувчи ўкув мақсадлари – бу, муайян ўкув жараёни якунидаги ўқитувчи томонидан эришилиши, янги ҳосил қилиниши мумкин бўлган билим, ҳатти-харакат билан боғлиқ бўлган амалий топширикни уddyalай олиш маҳорати, шахсий фазилатларни белгилайди. Уни тўғри танлаш ўкув жараёни учун муҳимдир. Қўйидаги 1.5-жадвалда физика ўқитувчисининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи ўкув мақсадларни берилган:

1.5-жадвал. Физика ўқитувчисининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи ўкув мақсадлари

	Физика ўқитувчиси ўкув мақсадлари	Физика ўқитувчиси вазифалари
1.	Таълимий	Талабаларни физика фанининг асосий тушунчалари, конун-коидалари билан таништириш; уларда ўкув-билиш компетенцияларини шакллантириш; уларнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиш хамда тушунтириб бера олиш; кўлланилиш соҳаларини тушунтириш.
2.	Тарбиявий	Физика фани асосида бажариладиган ишлар, уларнинг аҳамиятини тушунтириш оркали талабаларда кизикиш, келажакка ишонч хиссини ўйготиши.
3.	Ривожлантирувчи	Талабаларнинг олган билимларидан, ўзлаштирган касбий сифатларидан, эгаллаган фикрлаш операцияларидан амалиётда фойдалана олишларини ривожлантириш.

Физика ўқитувчиси дарсини баҳолаш мезонлари 2-иловада келтирилган.
2-илова. Физика ўқитувчиси дарсини баҳолаш мезонлари

	Физика ўқитувчисининг дарс таҳлиллари	Физика ўқитувчиси амалга ошириши лозим бўлган вазифалар
1.	Дарста тайёргарлиги.	Дарс ишланмаси, тақвим-мавзуу режа, ўкув дастури, дарслик, дарс тақдимоти, кўргазмали қуроллар, таркатма материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиши.
2.	Дарс мазмуни.	Дарс мақсадини аниқ ва тўғри белгилаш, мавзуни бошқа фанлар билан боғлаш, дарс мавзусини мустахкамлаш учун муаммоли топшириклар танлаш, ўқитувчининг ўз фанини мукаммал билиши.
3.	Дарснинг услугбий таҳлили.	Ўқитишининг турли шакл, метод, усул ва технологияларидан тўғри фойдаланиш, дарснинг интерфаоллик даражаси, дарс вактнинг тўғри тақсимланиши, талаба учун мустакил ишнинг тўғри ташкил этилиши, ўкув материалларининг табакалаштирилганлик даражаси.
4.	Педагогик маҳорати.	Дарс мавзусини равон тилда тушунтира олиши, дарсда ўзини дадил тута олиши, мотивация ва уни рафбатлантириб бориши, дарс давомида ижодий, таълимий мухитни яратадоллардан олиши, дарсга оид кўргазмали қурол, жихоз ва асбоблардан ўрнида фойдаланиши, талабаларнинг фаоллиги.
5.	Дарслик ва ўкув материалларидан фойдаланиш.	Дарсда дарсликдан ва кўшимча ўкув материалларидан самарали фойдаланиш даражаси.
6.	Дарсда ўқитиш воситаларидан фойдаланиш.	АКТ воситаларидан фойдалана олиш даражаси, тайёрлаган тақдимот сифати ёки ўкув доскасидан самарали фойдалана олиши.
7.	Дарсда яратилган мухит ва муносабатлар.	Талабаларга нисбатан хушмуамолалиги, тил топа олиши, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик, талабаларнинг ўқитувчига нисбатан хурмати, интизом, эшитиши.
8.	Баҳолаш ва дарсга якун ясаш.	Талабаларнинг дарс давомида билим ва кўнкимларининг холисона баҳоланиши, баҳолаш топширикларининг дарс мақсадидан келиб-чикиб тузилганлиги, дарс охирида дарсга якун қилиниши.

Дарс жараёни ва унинг асоси – физика ўқитувчиси томонидан бошқариладиган талабаларнинг билиш фаолияти ўкув жараёни мантигининг асосий бўғинларини ўз ичига олади: ўқитувчи томонидан маълум қилинган ўкув материалини талабалар томонидан идрок этиш ва англаш; ёдлаш; умумлаштириш ва тизимлаштириш; талабаларнинг ўкув ва амалий фаолиятининг турли шаклларида қўллаш; ўқитувчи томонидан талабаларнинг таълим муваффақиятини назорат қилиш ва баҳолаш.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Тиббиёт йўналишидаги ОТМларида замонавий ўқитиш технологиялари асосида физика ўқитувчининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришда, уларни физика фани бўйича ўқитиш, масалалар ечиш методикаси, лаборатория ишларини бажариш, мазкур фанни ўқитишда инновацион усуллар, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, мазкур фан мавзулари ва мазмунига қараб ўқитиш усулларини танлаш хақида тегишли билим ва кўрсатмалар бериш, илфор методик тажрибалар билан таништириш, лойиҳалаш вазифалари муҳим ҳисобланади. Физика ўқитувчининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантириш жараёнини ташкил этишда, юқоридаги технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги, уларнинг физика фани бўйича олган билимлари, замонавий технологияларни ўрганиши, интеллектуал қобилиятларининг ривожланиши, билими, кўнкма ва малакалари, педагогик маҳорати ва касбий қобилиятларининг ривожланиш даражаларининг ўсишини белгилайди

- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга хориж давлатларининг илфор технологияларини татбиқ этиш, улар асосида замонавий ўқитувчини тайёрлаш долзарб ҳисобланади. Бундай ўқитувчи келажакда талабаларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Тайёрланаётган кадрларнинг бу сифатларини ривожлантириш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўз муаммоларига ечим топа олади, жамиятда ўз мавқеига эга бўлади.

Ҳар томонлама етук тиббиёт ходимларини тайёрлаш ўқитувчининг савиясига, касбий тайёргарлигига ва фидоийлигига, унинг ёш авлодни ўқитиштарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлик. Шундай экан, ўқитувчи ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик-психологик ва методий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли тиббий вазифаларни тезда ечиши, вазиятларни тўғри баҳолай олиши лозим. Бу борада педагогик ва ахборот технологиялари, интерфаол усуллардан ўкув жараёнида мақсадли фойдаланиш, физика фани бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик, ўкув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш, уларни талабаларга етказиш вазифалари бугунги кунда муҳимдир. Тиббиёт йўналишидаги ОТМларида фаолият кўрсатаётган физика ўқитувчилари инновацион педагогик ва ахборот технологиялар, ўкув жараёнини фаоллаштириш усуллари ва фан бўйича сифатли компетенцияларини ривожлантирувчи педагогик усулларни қўллай билиши лозим. Ўқитувчи мазкур технологияларнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар хақида илмий асосланган маълумотлар, амалий йўлланмалар ишлаб чиқиши, уни ўкув жараёнига жорий эта олиши керак.



АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2013. 20-сон, 251 б.
2. Компетенция. Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча лугат. -Т.: «Педагог», 2007.; Словарь иностранных слов.-М.: «Академия», 2014.- С.191.
3. Ермаков Д.С. Компетентный подход в образовании // Ж. Педагогика. № 4.-М.,2011.- С. 8-15.
4. Турғунов С.Т. Педагогик жараёнларда ўқитувчилар рефлексив фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент: – 2018. – Б.12.
5. Майбуров М. Высшее образование в развитых странах // Ж. Образование за рубежом. № 2, 2003.- С. 132-144.
6. Коломин В.И. Фундаментальная подготовка по физике как основа формирования профессиональной компетентности будущих учителей физики: [Электронный ресурс] УРЛ: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. - 2010. - 65 с.
7. Хуторской, А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты Электронный ресурс/А.В. Хуторской//Интернет-журнал «Эйдос». Москва. -Режим доступа: [хттр://www.eidoc.ru/journal/2002/0423](http://www.eidoc.ru/journal/2002/0423).
8. Мавлянов А., ва б.к. Ўқув дарсларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув кўлланма. Тафаккур бўстони нашриёти. Тошкент. - 2013. -142 б.
9. Нуриллаев Б.Н. Умумий физика практикумларида бўлажак ўқитувчиларнинг экспериментал кўникмаларини шакллантиришнинг дидактик асослари: Автореф. дисс... пед.наук.-Тошкент:ТДПУ, - 2007. - 25 б.
10. Карпова М.Н. Формирование профессиональной компетентности учителя физики при переходе к профильному обучению в рамках системы повышения квалификации // Вестник Казанского технологического университета. - 2009. -№ 2. - С. 108.
11. Жавлонов Ш.С., ва б.к.лар. Ўқув мақсадларини топширикларга айлантириш - ўқув дарсларини лойиҳалашнинг асоси сифатида // ОЎМКХТ ривожлантириш тажрибаси ва ил.-наз. асоси: Респ. ил.-амалий конф. материаллари.-Тошкент: ОЎМКХТРМ, 2010. –Б. 69-71.
12. Ишматов Қ.Р. Педагогик технология.-Наманган: НамМПИ, 2004.-95 б.